

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Х У К М

2022 йил август ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Т.Хасанов, судья ёрдамчиси А.Умурзаковнинг котиблигида, давлат айбловчиси Юнусобод туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Шомирзаев, судланувчи А.И ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Суяровнинг иштирокида, А.Ига нисбатан 1-1004-2203/588-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

**А.И,** [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам: **1)** 27.12.2005 йил Бектемир туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши, 02.12.2005 йилги “Амнистия акти”га асосан тугатилган; **2)** жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 29.06.2010 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 28,188-моддаси 3-қисми “а” банди, 189-моддаси 3-қисми, 205-моддаси 2-қисми “а,б,в” бандлари, 206-моддаси 2-қисми “в” банди, 209-моддаси 2-қисми “б” банди, 232-моддаси 2-қисми, 233-моддаси 1-қисми билан 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 16.956.000 сўм жарима жазоси тайинланган; **3)** жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 13.01.2018 йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми ЖКнинг 62-моддаси тартибида 1 йил 8 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 26.03.2019 йилги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 6 ой 10 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан олдин шартли озод қилинган, [REDACTED] да истиқомат қилувчи, иш бўйича “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилиб, 24.06.2022 йилдан қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.И, 2020 йил 24 февраль куни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] жойлашган ХАТБ “Давр банк” Юнусобод филиали ёнида ўзига олдиндан таниш бўлмаган М.Бнинг ишончига кириб, унга ўзи директор сифатида фаолият юритаётган “Д.Ф” МЧЖга таъсисчи сифатида киритишини ва биржа савдоларига қатнашиб катта даромад олиб, унга ҳам фойданинг катта қисмини беришини ваъда бериб, ундан 93.000.000 сўм пулни МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб олишга эришиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулни ўзининг эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Судланувчи А.И суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, М.Б билан Мухтор исмли таниши орқали 2020 йил бошларида танишганман, “Д.Ф” МЧЖ 2019



йил сентябрь ойларида ташкил қилинганини, ушбу МЧЖда директор сифатида фаолият юритганини, ушбу МЧЖ асосий фаолият йўналиши улгуржи савдо-сотик бўлганини, 2020 йил февраль ойида М.Б унга биржа савдолари яхши тушунганлиги учун унга ушбу биржа савдоларида қатнашиб даромад олишга келишганини, сўнг, 24.02.2020 йил М.Б билан бирга Даврбанк Юнусобод филиалига бориб, М.Б томонидан берилган 93.000.000 сўм пулни олиб, “Д.Ф” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказганини, сўнг, М.Бга ваъда берганидек 4-5 кун ичида биржа савдоларига қатнашиб бериши керак бўлганини, дастлаб, биржа савдоларига қатнашиб кўрганини, лекин ҳеч нарса сотиб ололмаганини, чунки ўша вақтда коронавирус пандемияси сабаб карантин энди кучайтирилаётган вақтга тўғри келганини, сўнг, иш тўхтаганидан сўнг, ўзининг шахсий эҳтиёжлари ва қарзлари учун, пулларни банкдаги ҳисоб рақамидан ечиб ишлатиб юборганини, қилган ишидан пушаймонлигини айтиб, суддан унга енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчи М.Б суд мажлисида, М.Тни ёшлигидан танишини, 2020 йил январь ойларида М.Тга бирон-бир бизнес иши билан шуғулланмоқчилигини айтиб, ундан маслаҳат сўраганини, М.Т унга биржада фаолият юритаётганини, яхши фойда кўраётганини айтиб, шу фаолият билан шуғулланишини маслаҳат берганини, у М.Тдан бу ишларга тушунмаслиги, шу сабабли ўзининг шу соҳани тушунадиган бирон бир танишини таништириб қўйишини илтимос қилганини, сўнг М.Т унга 2-3 одам кўрсатганини, охири уни А.И билан таништириб қўйганини, у билан гаплашганида, у унга “Д.Ф” МЧЖга раҳбар эканлигини, ушбу МЧЖ таъсисчиси ўртоғи Мухтор эканини, агар у керакли миқдорда пул берса, ушбу МЧЖга таъсисчи сифатида киритишини, бирга биржа савдоларига киришни, МЧЖ барча ҳужжат ишларини ўзи юритишини, у фақат пул тикишини айтганини, А.И билан келишув бўйича биржа савдоларидан тушган фойдадан 70 %ини у олиши, 30 %ни эса А.И олишига келишиб олишганини, ўша вақтда у билан суҳбат жараёнида унга 10.000 АҚШ доллари пули борлигини айтганини, сўнг, 24.02.2020 йил А.И уни 10.000 АҚШ доллари билан бирга банкка чақирганини, йўлда кетаётганида, М.Тга телефон қилиб, пулни олиб кетаётганини, бу ҳолатга ким жавоб беришини сўраганида, у А.И ўзи таништирганини, бирон ҳолат бўлса ўзи ўртада туришини айтиб, уни кўнглини тинчлантирганини, сўнг, Даврбанкка бориб, А.И билан бирга, ўша ерда 10.000 АҚШ долларини 93.000.000 сўмга алмаштириб, ўша ерда “Д.Ф” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказганини, А.И биржа савдоларида 2-3 маротаба ўйнаганини, лекин бирон бир фойда кўришмаганини, сўнг, А.И ушбу пулни бошқа бир жойга ўтказишни ва 2 кунда 5.000.000 сўм фойдаси билан қайтиб келишини айтганини, сўнг, ушбу пул ҳам йўқ бўлиб қолганини, орадан 5 ой ўтганидан сўнг билишича, ушбу 93.000.000 сўм пулни А.И ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборган эканини, сўнг, ўша вақтда роса алдаб юрганини, А.И уни алдаб юраверганидан сўнг, унга пулини қайтаришига ишониши учун тилхат ёзиб беришини сўраганини, А.И унга автомашина олиш учун 125.000.000 сўм пул олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берганини, ушбу суммани ёзиб берганлиги сабабли у ушбу пулни бошқа бир шахсдан фоиз ҳисобига олган бўлганини, шу сабабли А.И ўзининг ихтиёри билан шу тилхатни ёзиб берганини, ўша вақтда ёнида ўртоқлари И.И ва М.Тлар бўлганини, гувоҳ сифатида имзо қўйиб беришганини, бундан ташқари, ўша вақтларда А.И фуқаролик паспорти нусхасини олиб МЧЖ таъсисчилари рўйхатига киритиб қўйишини айтган бўлганини, лекин ушбу берган ваъдасини ҳам бажармаганини, жараёнида пулини қайтариб олганини, судланувчига даъвоси йўқлигини айтиб кўрсатув берди.



Гувоҳ Т.М суд мажлисида, М.Б билан ёшлигидан танишлигини, А.И билан 2014-2015 йилларда Халқ банкининг Бектемир филиалида бирга ишлаган вақтида танишганини, анча вақт ўтиб, А.И билан биргаликда бизнес билан шуғулланиш учун 2019 йил охирларида “Д.Ф” МЧЖни ташкил қилишганини, у ушбу МЧЖга фақатгина таъсисчи сифатида киритилганини, А.Ининг ўзи ҳам таъсисчи ва бир вақтнинг ўзида ушбу МЧЖ раҳбари ҳисобланишини, ушбу МЧЖ билан ҳеч қандай тадбиркорлик ишлари амалга оширилмаганини, 2020 йил январь ойи охирларида ўртоғи М.Б унга тадбиркорлик қилиш нияти борлигини айтганини, у унга биржа аукционида қатнашиши мумкинлигини айтганини, М.Б унга компьютер ва биржани тушунмаслигини айтиб, биронта тушунадиган одам топиб беришини сўраганини, унга аввал М.Т деган болани таклиф қилганини, унга ёқмаганини, кейин М.Б ака деган одамни тавсия қилганини, у ҳам ёқмаганини, сўнг илгари бирга ишлаган А.И билан таништирганини, уни аралаштирмасликларини айтганини, иккаласи ёлғиз ўтириб ким қанча фоизга ишлашини келишиб олишганини, М.Б унга 10.000 АҚШ доллари борлиги А.Ига бермоқчилигини айтганида, у унга нақд пулни А.Ига бермаслигини, балки ҳисоб рақамга қўйишини айтганини, кейинчалик эшитишича А.И М.Бнинг ишончига кириб, уни “Д.Ф” МЧЖнинг таъсисчиси сифатида киритиб қўйишни ва биржа савдоларига қатнашиб жуда кўп пул топиб беришни ваъда берган эканини, сўнг, чамаси бир икки кун ичида М.Б банк орқали таъсисчи сифатида 93.000.000 сўм устав фондини тўлдирганини, лекин А.И бошқалардан қарзи бўлганлиги учун М.Бнинг пулини ҳисоб рақамдан ечиб олиб берворганини, бир куни М.Б унга А.И телефонини кўтармаётганини ва пулларни қаерга кетганини айтмаётганини билдирганини, у дарҳол А.Ига кўнғироқ қилиб, М.Бни уйига келишини айтганини, А.И етиб келиб, М.Бга автомашина учун деб 125.000.000 сўм олганман деб тилхат ёзиб берганини, А.И пулни ҳеч қандай автомашина олиб бериши учун олмаганини, балки ишончга кириш учун шундай тилхат ёзиб берган бўлса кераклигини, 125.000.000 сўм ҳам бўлмаганини, М.Б ҳисоб рақамга 93.000.000 сўм пул қўйганини, А.И айнан шу пулни сарфлаб юборганини айтиб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Ининг айби жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари ариза, билдирги, тушунтириш хатлари, тилхат, сўроқ, юзлаштириш баённомалари ҳамда бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Ининг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» банди, яъни *“кўп миқдорда фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш”* аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Суд, судланувчи А.Ига жазо тайинлашда судланувчининг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз мақсадларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Шу билан бирга, судланувчига жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо гайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб,



судланувчини айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инobatга олиб, унга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, унинг дастлабки қамоқда сақланган муддатини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига амал қилиб суд,

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**А.И.**, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, А.Ининг 24.06.2022 йилдан 22.08.2022 йилга қадар (60 кун) дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир кунини, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб (180 кун) ҳисоблаб, узил-кесил ўташ учун А.Ига ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо, мазкур жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилиши белгилансин.

Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Ига танланган эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дархол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 20 сутка муддат ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида протест ёки шикоят келтириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

(имзо)

**Т.Хасанов**

Нусхаси аслига тўғри, судья:

\_\_\_\_\_

